## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 867-ҳадис

1817/أ867 – وَعَنْهُ رَضِيَ الله عَنْهُ، فِي رِوَايَةٍ قَالَ: نَزَلَتْ فِيَّ خَاصَّةً، وَهْيَ لَكُمْ عَامَّةً.

864А.1816. Абдуллоҳ ибн Маъқилдан ривоят қилинади:

«Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳунинг ёнига бориб ўтириб, ундан фидя ҳақида сўрадим. У: «Бу хоссатан менинг ҳақимда нозил бўлди, сизлар учун омматандир. Мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кўтариб олиб боришди. Юзимга бит тўкиларди. Шунда у зот: **«Сенга кўриб турганимчалик дард етган, деб ўйламаган эдим [**ёки **Сенга кўриб турганимчалик қийинчилик етган, деб ўйламаган эдим]. Қўй топа оласанми?»** дедилар. Мен: «Йўқ», дедим. «(Унда) **уч кун рўза тут ёки олти мискинни таомлантир. Ҳар бир мискинга ярим соъ»***, дедилар».

---

Манба: hadis.islom.uz

HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI